

## Истихора - хайрни талаб қилиш



11:19 / 25 январь 2476

«Истихора» сўзи луғатда «хайрни талаб қилиш» деган маънони англатади. Муслмон киши икки ишдан қайси бирини қилишини билмай қолганида, хайрлисини танлаш учун истихора намози ўқийди. Бу намозни ҳар бир ишдан олдин ўқиш мустаҳабдир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
اِسْتِخْرَةَ رَبِّكَ  
فِي شَيْءٍ مِّنْ اَمْرٍ  
مَّا كُنْتَ تَعْتَمِدُ  
عَلَيْهِ  
اِسْتِخْرَةَ رَبِّكَ  
فِي شَيْءٍ مِّنْ اَمْرٍ  
مَّا كُنْتَ تَعْتَمِدُ  
عَلَيْهِ  
اِسْتِخْرَةَ رَبِّكَ  
فِي شَيْءٍ مِّنْ اَمْرٍ  
مَّا كُنْتَ تَعْتَمِدُ  
عَلَيْهِ

نِيَتَعْكَ رَعَكَ رِيْلَفِ رَمَّالِب  
مُتْ، ةَضِي رَفْلَا رِيَغْ نَم  
يِنَّا مَهَّلَلَا لِقِيْل  
كِمْلَعَبْ كُرِيَخَتْ سَأ  
كِتَرْدُقَبْ كُرْدُقَتْ سَأو  
كِلْضَفْ نَم كِلْأَسَأو  
الْوُرْدُقَتْ كِنِإْفِ، مِيظْعَلَا  
تِنَأو، مَلْعَأَا لَو مَلْعَغَتْو، رُدُقَأ  
نِإْمَهَّلَلَا، بُوِيْعَلَا مَالَع  
رِيَخَرَمَّالَا اَذَهْ نَأْمَلْعَغَتْ تَنُك  
يَشَاعَمَو يِنِي دِي فِيل  
لِجَاعَ: لِقْوَ، يَرَمَّأَةْبِقَاعَو  
يِلْهُرْدُقَأْفِ، هِلْجَأَو يَرَمَّأ

يَلُكْرَابٌ مُّثُّ يَلُ هُ رَسَّيَ و  
 اذَهَّ نَأْمَلُغَتَّ تَنْكُ نَأِو، هِي ف  
 يَنْي دِي ف يَلُ رَشَّ زَمَّ أَلَا  
 وَأُ، يَرْمَأُةَبِقِاَعُ و يَشَّاعَمَ و  
 ، هِلجَأُ و يَرْمَأُ لَجَاعُ ي ف : لَأَق  
 يَنْفِرْصَأُ و يَنْعُ هُ فِرْصَأُ ف  
 تُثِيحَ رِيخُ لَأ يَلُ رُدُقَأُ و ، هُنَّع  
 : لَأَق ، هِبُ يَنْضَرَأُ مُثَّ نَأَك  
 هُ سُمَّخُ لَأ هَأُورُ . هَتَجَاحُ ي مَسُّيَ و  
 . أَمَلُ سُمَّ أَلَا

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани ўргатгандек ўргатар эдилар. У зот:

«Қачон бирортангиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан илминг ила истихора қиламан. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг улуғ фазлингдан сўрайман. Чунки Сен қодирсан,

**мен қодир эмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни яхши билувчи Зотсан.**

**Аллоҳим! Агар ушбу иш менга дийнимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) (ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар) яхши эканлигини билсанг, уни менга тақдир қилгин, менга осон қилгин, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида (охиратимда) (ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида» дедилар) ёмон эканлигини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшилиқни тақдир қил. Сўнгра мени унга рози қил», десин ва ҳожатини айтсин», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Ушбу намозни ўқигандан кейин мазкур иш ҳақида ўйламай, Аллоҳ ихтиёр қиладиган нарса кутиб юрилади. Кейин кўнгилга тушиб, ўзига маъқул бўлиб, қилгиси келиб қолса, ўша иш қилинади. Бу ҳақда туш кўриш ҳам мумкин. Агар иш бир тарафга бўлмай, туриб қолса, истихора намози яна қайтадан ўқилади. Қайта ўқиш етти мартагача бўлиши мумкин. Истихора намозининг биринчи ракъатида Фотиҳа сурасидан кейин Кафирун сураси, иккинчи ракъатида Ихлос сураси ўқилади.

Кўриниб турибдики, истихора намози ҳам бошқа намозлар каби бандани Аллоҳ таолога боғловчи омилдир, бир ишни қилмоқчи бўлганда Аллоҳ таолонинг ўзига ёлвориб, яхши йўл кўрсатишни сўрашдир. Бу маъно эса мусулмон киши ҳаётида намознинг ўрни қанчалар муҳим эканлигини яна бир бор кўрсатади. Мусулмон киши ҳатто қиладиган дунёвий ишида ҳам дунёнинг Холиқи ва Бошқарувчиси – Аллоҳ таолонинг Ўзидан маслаҳат сўраш имконига эгадир. Намоз ўқимайдиганлар эса бу улуғ саодатдан бебаҳрадилар, улар шайтоннинг маслаҳати билан иш қилишга мажбурдилар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**